

Ishonch

Моҳият
Маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоён бўлади.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqra boshlagan

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдида

Юксак эътибор ва катта масъулият

Журналистика соҳасидаги «Энг улуғ, энг азиз» республика танлови ғолиблари аниқланди

Мустақил Ватанимизни ҳар томонлама ривожлантириш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, маънавиятни юксалтириш ва миллий ғояни шакллантириш жараёнида қалам аҳли фаол иштирок этмоқда. Амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига қаратилган ғоя ва мақсадларнинг одамларнинг қалбига етиб бориши йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Бу йўналишдаги ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш мақсадида журналистика соҳасида қатор кўрик-танловлар, турли мукофотлар жорий этилган. Мустақиллик байрами арафасида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика танлови ана шундай нуфузли тадбирлардан биридир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу йилги танлов янада юқори савияда, Истиклолимизнинг 20 йиллиги руҳига мос тарзда ташкил этилди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу танловнинг жорий йилги ғолибларига совринларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган, Ватанимиз мустақиллиги байрамига бағишланган мазкур танлов Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали журналист кадрлар тайёрлашга қаратилган барча ишлар жамаиятимизда ошқораликни таъминлаш, фуқаролик жамаиятини ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда журналистлар меҳнатини рағбатлантириш уларнинг ўз касбига бўлган масъулиятини янада оширмоқда.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови матбуот, телевидение, радио ҳамда интернет-журналистика, фото ва дизайн йўналишида ўтказилди. Ҳар бир йўналиш бўйича 1, 2, 3-уринлар аниқланди ҳамда юқоридаги соҳалар бўйича иккитадан рағбатлантирувчи мукофотлар тақдим этилди.

Бу йилги танловга тақдим этилган ишлар Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамаиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган таърифта ўз ифодасини топган ус-тувор вазибаларнинг келиб чиққан ҳолда баҳоланди.

Журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун юртимизда барча шароит ва имкониятлар яратилган. Истиклол йилларида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари соҳасида қабул қилинган ўнга яқин қонун ҳужжатлари журналистларнинг самарали фаолият юритиши, ахборот олиши, матбуотимизнинг мустақил бўлишини таъминламоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожлантирилмоқда, — дейди танлов совриндори, Фарғона вилояти «Мулоқот» телевидениеси муҳаррири Дилшод Аҳмадалиев. — Юртимизда интернет журналистикаси имкониятлари кенгаймоқда, рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтишмоқда. Биз ҳам ушбу замонавий технологияларни чуқур ўзлаштириб, ўз фаолиятимизда самарали фойдаланя-миз. Журналистларимиз учун шундай имкониятларни ярати-б бераётган ва камтарона меҳнатимизни юксак кадрлаётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА мухбири

Ижодий камолотга ундовчи рағбат

Тошкентдаги «Истиклол» саройида «Нихол» мукофотини топширишга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди

Инсон қалби ва тафаккурига эзгу ғояларни жо этиш, маънавиятини юксалтириш, эстетик дидини шакллантиришда муҳим санъатнинг ўрни ва аҳамияти беқийс. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий муҳим санъатини рағбатлантириш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар шу олижаноб мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Нихол» мукофоти ёш истеъдодларни аниқлаш, ижодини ривожлантириши учун кенг имкониятлар яратиш, янги ижодий марралар сари илҳомлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида аънавий тарзда ўтказилган «Нихол» мукофоти соҳибларини тақдирлаш маросимида ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида ўтказилган тантаналар ҳам санъат, камолот, ёшлик ва маънавий байрамга айланиб кетди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, муҳим илҳомчилари, талаба-ёшлар тақдир этилди.

Тантанали тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган янгиланиш жараёнида ёшларни юксак маънавияти, те-

ран ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Юртимизда таълим, маънавий-маърифий соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу сай-ҳаракатлар айни мақсадларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар муҳим санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига асосан юртимизда ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топшириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд этиш учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратишга оид эзгу ишлар қўламини янада кенгайтириш мақсадида муҳим ва санъат мактаблари қайтадан реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси яхшиланди. Ўқув-услубий, техник ва муҳим жиҳозлари билан таъминлаш, педагогларнинг касб билими ва маҳоратини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу эзгу сай-ҳаракатлар, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасини юртимиз ёшларининг

халқаро миқёсдаги турли кўрик-танловлар, ижодий фестивалларда эришаётган муваффақиятларида кўриш мумкин.

«Нихол» мукофоти учун танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича дастлабки босқичлари юксак савияда, байрамона руҳда, кўтаринчилик билан ташкил этилмоқда. Унда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафининг йил сайин кенгайтириб бораётгани йигит-қизларнинг санъатга бўлган меҳр ва қизиқишининг тобора кучаяётгани, «Нихол» мукофотининг нуфузи ва мавқеи ортаётганидан далолатдир. Ёшларни изланишга, янада самарали ижод қилишга ундаётган ушбу мукофот учун ўтказилган жорий йилги танловда қарийб 10 минг 700 нафар ёш ижрочи иштирок этгани ҳам буни тасдиқлайди.

Танлов эстрада санъати, муҳим ижрочилиги, аънавий ижрочилик, академик ижро каби йўналишларда ўтказилди. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги ёш истеъдодларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда мукофот учун саралаш кўрик-танловлари кенг жамоатчилик муҳокамасида, қатъий талаб ва юксак бадиий мезонлар асосида ўтди.

2011 йилда «Нихол» мукофотида аънавий ижрочилик йўналишида Рахшона Қўзиёва (Анджон вилояти), Шахзода Ҳасанова (Наманган вилояти), «Наво-соз» ансамбли (Тошкент шаҳри), Дилноза Ак-

барова (Тошкент вилояти), муҳим ижрочилиги йўналишида Тамара Акбарова (Жиззах вилояти), Шерзод Шодиев (Навоий вилояти), Лочинбек Мўминов (Хоразм вилояти), эстрада санъати йўналишида Юлдуз Низомова (Самарқанд вилояти), Шахноза Отабоева (Тошкент шаҳри), Машхурбек Раимжонов (Тошкент шаҳри), академик ижро йўналишида Отабек Маҳмудов (Фарғона вилояти) сазовор бўлдилар. Уларга мазкур мукофот тантанали тарзда топширилди.

— Юртимизда ёшларнинг пухта билим олиши, санъатнинг сеҳри ва мафтункор оламидан баҳраманд бўлиши, ўз қобилияти ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди «Нихол» мукофоти совриндори Лочинбек Мўминов. — Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни кўпроқ изланишга, тинимсиз меҳнат ва ижод қилишга, ўз фаолиятимизда янгилик, янада юксак талабларни ёндашишга даъват этади.

Тантананда санъат усталари ва ижрочи ёшлар, «Нихол» мукофоти совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чикди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Сарҳисоб

Соҳа ходимларининг касб байрами муносабати билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 январдаги фармонида асосан ташкил этилган миллий авиакомпаниянинг бугунга қадар босиб ўтилган тараққиёт йўлига назар ташланди. Миллий авиакомпания бош директори Валерий Тян ҳамда бошқа масъул ходимлар журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

«O'zbekiston havõ yo'llari»: Кеча ва бугун

Таъкидланганидек, фуқаро авиацияси инфратузилмасини ривожлантиришдаги илк қадамлар фарғонада ишлаб чиқарилган замонавий лайнерлар ҳисобига авиапаркни янгилаш дастури бўлди. А310, В-767-300ER, В-757-200, FJ-85 ва юртимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 самолётлари шулар жумласидан. Йил охирида А320 лайнери ўнганга етади. Шунингдек, туртта Боинг-767-300ER ва иккита Боинг-787 Dreamliner етказиб бериш борасида шартномалар тузилган. Авиопаркнинг янгиланиб бораётгани боис МАК Учувчилар мактабларининг юқори техник даражада жиҳозланишини таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Эътиборли томони, Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида замонавий тренажерлар билан жиҳозланган МАК Ўқув-маск маркази ишга тушди. Мазкур мактабнинг қурилиши муҳим маънавияти тайёрлашга нафақат валюта маблағини тежайди, балки хориж авиакомпанияларига тренинг хизмати кўрсатиш орқали даромад олиш имконини ҳам беради.

(Давоми 2-бетда)

Фаолиятга назар

Ёшлар кенгаши

касаба уюшмаларининг истиқболи

Ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш бугун касаба уюшмаларининг ҳам долзарб вазифасига айланиб улгурган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгашининг фаолияти ушбу мақсадни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Бу борада Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши меҳнат қилаётган ёшларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, ўқувчи ва талабаларни касбга йўналтиришда аниқ мақсадларни белгилаб олган. Ҳозирги кунда вилоятдаги корхона, ташкилот, муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида 200 мингдан зиёд ёшлар аъзоликка қабул қилинган. Август ойида Ўзбекистон ка-

саба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши масъул котиби З.Исмоилов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси Б.Дадажонов ва тармоқ касаба уюшма Ёшлар кенгашилари раислари иштирокида меҳнат жамоаларида ёшлар билан учрашувлар ташкил этилди.

Вилоят ҳокимининг 2011 йил 27 январдаги қарорига мувофиқ касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг корхона, ташкилот ва муассасаларда амали-

ёти ташкил этилиб, кафолатланган иш ўринлари билан таъминланишига доир Ҳаракат дастури тасдиқланди. Битирувчиларнинг келгусида тўлиқ бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 11 февралдаги Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси қарори билан 43620 нафар битирувчи 8434 та корхона ва ташкилотларга амалиёт ўташ учун бириктирилди.

(Давоми 2-бетда)

«O'zbekiston havo yo'llari»:

Кеча ва бугун



(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, «O'zbekiston havo yo'llari» Миллий авиакомпанияси барқарор ривожланаётган, йўловчилар хавфсизлиги ва юқори хизмат кўрсатишни таъминлаётган авиаташувчи сифатида жаҳон авиабозорида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Ташувлар ҳамми йилдан-йилга ортмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида МАК томонидан 1 млн. 62 минг йўловчи ташилиб, 11,9 минг қатнов амалга оширилди. Юк ташувлари кўрсаткичи ҳам ортиб, 24 минг тонна юк манзилига етказилган. Бундан ташқари, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида республиканинг барча хаво масканларида реконструкция ва модернизациялаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, «Тошкент» халқаро аэропортида соатига 400 нафар йўловчига сифатли хизмат кўрсатадиган янги маҳаллий йўналишлар аэровокзали қурилиши низоҳасига етмоқда. Тез орада «Бухоро» аэропортига ташриф буюрувчиларни юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, йўловчиларга хизмат кўрсатишда халқаро талаблар даражасидаги янги терминал кутиб олади.

Навобий шаҳри аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш бўйича инвестицион лойиҳани амалга ошириш муваффақиятли давом этмоқда. Маълумотларга кўра, биринчи ярим йилликда «CARGO» юк терминали томонидан ишлов берилган юклар ҳамми 24,7 минг тоннани ташкил этди. «Навобий» аэропорти орқали юк ташувлар Брюссел, Сарагоса, Милан, Шанхай ҳамда Вена, шунингдек, аэропортдан А-300-600 хаво кемаларида Франкфурт, Бангкок, Дехли, Бомбей, Дакка, Истанбул, Доха/Дубай ва Бишкекка қатновлар амалга оширилмоқда. Алматы, Москва, Рига ҳамда Ханой йўналишлари ҳам режалаштирилмоқда. Дарвоқе, 2012 йилда Навобий шаҳри аэропортида соатига 400 нафар йўловчига юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятига эга терминал фойдаланишга топширилади.

«Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси ҳам ишлаб чиқариш қўламини кенгайтирмоқда. Бу ердаги техник хизматнинг юқори сифати, Миллий авиакомпаниянинг фарбда ишлаб чиқилган замонавий лайнерлари ҳамда хорижий авиакомпаниялар самолётларига кўрсатилаётган хизмат ва таъмирлаш ишларини бажараётган мутахассисларнинг малакаси халқаро сертификатлар билан тасдиқланган. «SkyTeam» халқаро авиацион альянсини аъзоси бўлишга йўналтирилган тадбирлар ҳам изчил амалга оширилаётган.

Бир сўз билан айтганда, бундан кейин ҳам мамлакатимиз ифтихорига айланган МАК авиакорхонаси парвозлар хавфсизлиги ва ишончилиги, авиаташувлар мунтазамлиги ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг юқори маданиятини таъминлашда бор имкониятини ишга солишди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Тадбир

Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ғолиблик энг кучлиларга насиб этди

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилашда бу кўрик-танловнинг аҳамияти катта, — дейди тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари, кўрик-танлов ҳайъати раиси ўринбосари Элшод Юсупов. — Тадбирнинг республика босқичида кўнлаб бошланғич ташкилотларимиз иштирок эттишти.

Баҳс низоҳатда мурাকাб кенди. Якунда «Бош коммунал» филиалининг касба уюшма кўмитаси 1-ўринни эгаллади. «Алском» суртута компаниясининг бошланғич ташкилоти 2-ўринга, «Узинфоком» Давлат унитар корхонаси касба уюшма ташкилоти 3-ўринга сазовор бўлди.

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё sanoати ва геология ходимлари тармоғида ҳам ғолиблар аниқланди.

Биринчи ўринга «Максам-Чирчик» оник акциядорлик жамияти касба уюшма кўмитаси муносиб деб топилди. «Гарбгазтаъминот» унитар корхонаси бошланғич ташкилотига иккинчи ўрин, «Талимаржон» иссиқлик электр станцияси касба уюшма кўмитасига учинчи ўрин насиб этди.

Кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллаган бошланғичларга ЎзКУФКнинг «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг якуний босқичида катнашиш учун йўланма берилди.

Неъмат РАФИҚОВ



Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш тўғрисида»ги қарори соҳа равнақида энгигидан-энги имкониятлар яшигини очиб берди. «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» Давлат дастурларининг босқичма-босқич амалга оширилиши натижаида нафақат тизимнинг марказий муассасалари, балки энг чеҳка худудларда жойлашган кишлоқ врачлик пунктлари ҳам давр талабларига мос жиҳозланди.

Истиқлол йилларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, турли касалликларнинг олдини олиш, меҳнат шароитини яхшилаш борасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда мутахассислар Россия, Туркия, АКШ, Эстония, Япония сингари давлатларда билимини ошириб келишмоқда.

Вилоятда шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навобий филиалининг ташкил этилиши, тўзма ногиронлиқнинг олдини олиш мақсадида «Она ва бола скрининг» марказининг ишга

туширилиши, Хотин-қизлар репродуктив саломатлик марказининг очилиши аҳолига тезкор ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлади.

Касба уюшмаларининг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми ҳам кенгайиб бораётган. Вилоят соғлиқни сақлаш босқармаси билан тармоқ кенгаши ўртасида пухта ўйлаб тузилган келишув хар икки томон учун нафақат келтирмоқда.

Устувор йўналишлардан саналган ижтимоий химоялаш масаласи доимий назоратда. Иш ҳақининг вақтида ва тўлиқ тўлиниши учун ҳўжалик юртуви субъектларнинг жавобгарлиги йилдан-йилга оширилди. Шу маънода иш ҳақидан муддатга ўтган қарздорликни туғатиш бўйича намунавий «Ҳаракат тартиби» ишлаб чиқилганлиги ҳам айни

муддао бўлди.

Касба уюшмалари ходимлар қалбида юксак маънавий хислатларни шакллантириш, уларни бой маданий меросиш, тарихий қадриятларга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Анъанавий равишда ўтаётган «Хамшира», «Йилнинг энг яхши шифокори», «Йилнинг энг яхши кишлоқ врачлик пункти» кўриктанловлари ёш иқтидор соҳибларини кашф этмоқда.

Барча тиббиёт муассасаларида меҳнат шароити нуқулрай ва саломатлиги учун зарурли иш билан банд тиббиёт ходимларининг ойлик маошиларига 15 фоиздан 30 фоизгача қўшимча ҳақ тўланмоқда. Шунингдек, тиббиёт ходимлари учун даромад солиғи олинишида, икки вундан ортки,

12 ёшгача ва 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга белгиланган имтиёзлар бошланғич касба уюшма кўмиталари томонидан қатъий назорат қилинмоқда. 50 ёки 60 ёшга етган ходимларни 1 ойлик маоши миқдорига мукофотлаш йўлга қўйилган.

Ишчи-ҳодимлар ҳар йили тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганлар шифокор назоратида соғломлаштирилади. 2010 йилда 189 нафар ходим турли сихатгоҳларда соғлигини тиклаган бўлса, жорий йилда бу миқдор янада ортди. Даволаш-профилактика муассасаларида спорт турлари бўйича муСОбақалар уюштирилмоқда. Шунингдек, тиббиёт ходимлари кўни арафасида спартакиада ўтказиш аънаанага айланган. Вилоят кенгаши томонидан 6

нафар кам таъминланган, иқтидорли талабага касба уюшмаси стипендияси бериб борилади. Ногирон, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш хамиша эътиборимизда. Амалга оширилаётган ислохотларни кенг тарғиб қилиш мақсадида ватанимиз бўйлаб саёҳат уюштирилмоқда.

Шунга қарамай, хали касба уюшма ташкилотлари олдиди ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Адолат меzonларини тўғри баҳолаш билиш орқали бу муаммоларнинг ҳам ҳал этилишига ишонимиз. Эеро, касба уюшмалари мактабининг ортки боришида аъзолар ишончининг ўрни бекиёс.

Феруза РАХИМОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Навобий вилоят кенгаши раиси

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

Касба уюшмасининг истиқлол туҳфалари

ЎзКУФКнинг мажлислар залида Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбири бўлиб ўтди. «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида юксак савияда ташкил этилган анжуманда касба уюшма етакчилари, шаҳар корхона ва ташкилотларида ишлаётган турли соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, олий таълимнинг профессор-ўқитувчилари, шoir ва ёзувчилар, «Усто-шогирд» дастури ғолиблари иштирок эттишти.

Бирлашма кенгаши раиси Нурилла Насимов тадбир иштирокчиларини энг улуг ва энг азиз байрам - мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан қутлаб, истиқлол йилларида пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳамда ташкилотнинг инсон манфаатларини химоя қилиш борасидаги фаолияти тўғрисида мухтасар туҳталиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида касба уюшмалари олиб бораётган эзгу ишлар ҳақида тўлиққилиб гапирдилар.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган «Истиқлол гунчалари» кўрик-танловининг Республика босқичи совриндорлари — Учтепа туманидаги 328-бoча тарбияланувчиси Шарофиддин Файзуллаев ва Сергели туман 300-мактабининг 8-синф ўқувчиси Ирода Юсупова ижро этган куй-кўшиқлар тадбирига байрамона руҳ бағишлади.

Меҳнат фахрийлари ва нурунликлар, профессор-ўқитувчилар, эл севган шoir ва ёзувчилар, ишчи-хизматчилар, «Усто-шогирд» дастури ғолибларидан иборат 200 нафар куй-кўшиқ бирлашма кенгаши томонидан касба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўланмалар топширилди. Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт жамияти қошидаги Болалар ва

ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, Халқаро тоифадаги спорт устаси Г.Хуббиевага Фахрий ёрлик ва пул мукофоти, «Истиқлол гунчалари» кўрик-танлови совриндорлари Ш.Файзуллаев, И.Юсуповага қимматбаҳо совга тақдим этилди.

Мукофотланганлар эътибор ва рағбат учун миннатдорлик изхор эттишти.

Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Бугун юртимиз бўйлаб истиқлол қувончлари, саодатли кунлар нафаси кезиб юрибди. Барчанинг тилида ва дилида шукроналик. Муқорак тўйга ҳар ким ўз совғаси билан ошқимокда. Бугунги тадбирда янграган қарсақлар, дил сўзлари истиқлол шарафига, мухтарам Президентимиз амалга ошираётган эзгу ишларга аталганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Амина КОДИРОВА, «Ishonch» мухбири



Ёшлар кенгаши касба уюшмаларининг истиқболли

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг шу йил 30 мартдаги «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш тўғрисида»ги буйруғига асосан ТАТУ Фаргона филиалида 18 июнда Фаргона, Андижон, Наманган вилоятлари ўртасида ярмарка ўтказилди. Унда Фаргона почтаси 3 нафар, Матбуот тарқатувчи ШК 4 нафар, Фаргона Телеком 3 нафар ТАТУ битирувчиси ишга қабул қилди. Вилоятда жорий йилда 91246 та, жумладан, 42512 та ёш учун янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Шу мақсадда биринчи ярим йилликда 55 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 2964 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштиш учун йўланма берилди. 118 та коллеж битирувчисининг 98 фоизига уч томонлама шартномалар имзоланди.

Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими худудий босқармаси бирлашган касба уюшма кўмитаси тасарруфидида фаолият кўрсатаётган 55 та касб-хунар коллежини бу йил 14109 нафар ўқувчи битирди. Битирувчилар корхона ва ташкилотлар малакали педагог, ходим ва мутахассисларига бириктирилди. Бунда «Устоз-шогирд» тизими асосотмоқда. Шунингдек, вилоят халқ таълими босқармаси тасарруфидидаги барча умумтаълим мактабларида тахрибали устозларнинг ҳар бирига 3 тадан шогирд бириктирилган.

Фаргона давлат университетидида ҳам «Устоз-шогирд» тизими асосида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлашда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижа эса тезда кўзга ташланди. 2010-2011 ўқув йилида биология фанлари номзодини М.Ғозиевнинг шогирди Х.Мирзаахмедова Президент стипендияси, биология фанлари номзодини М.Шерматовнинг шогирди Э.Ботиров Улўғбек, география фанлари номзодини Ю.Ахмадалиевнинг шогирди Э.Маҳмамов Беруний, иқтисод фанлари номзодини Г.Холматжоновнинг шогирди Ж.Мадаминов ҳамда биология фанлари номзодини И.Зокоровнинг шогирди Г.Ғаниева Навобий стипендиясига сазовор бўлди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан «Устоз-шогирд» тизими-

да фаоллик кўрсатган устозларнинг 11 нафари моддий рағбатлангирлиди.

Вилоят истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ярмаркалари касба уюшмаси кенгаши тасарруфидидаги касб-хунар коллежларида 8 нафар, Қўштепа тумани қурилиш коллежиди 2 нафар кам таъминланган ва иқтидорли ўқувчига тармоқ кенгаши томонидан 2011 йил март ойидан бошлаб устам стипендия берилмоқда. Вилоят таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши тасарруфидидаги олий ўқув юртиларида тахсил олаётган кам таъминланган, иқтидорли, жамоати талабаларнинг 3 нафарига энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридида устам стипендиялар жорий этилган. Шунингдек, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари талаба-ўқувчиларидан 50 нафарига ҳар ойда устам стипендия тўлаб келинмоқда.

Тармоқ вилоят кенгашларига аъзо касба уюшмалари қошидаги Ёшлар кенгашлари фаолиятида бу йил сезиларли ўсишга эришилди. Жумладан, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводиди 10300 дан ортки ходим меҳнат қилади. Шундан 2649 нафари ёшлардир.

Завод бирлашган касба уюшма кўмитасиди 2009 йил 24 февралдаги йиғилиш қарорига кўра Ёшлар кенгаши тузилиб, фаолият юритиб келмоқда. Утган йилларда корхонада Ёшлар кенгаши раиси Н.Жўраева бошчилигидида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, «Нефтчи» маданият саройиди турли тўғрақлар ташкил этилиб, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига Фаргона транспорт касб-хунар коллежи билан ҳамкорликда ҳайдовчилик, «Ирбис» клуби билан ёшларни ҳарбий тайёргарлик, «Қамолот келажак минбари» ўқув маркази билан инглиз, рус, корейс, япон тиллари, кимё, биология, математика фанлари, пазандачилик ва касаначилар билан биргаликда чеварликни ўргатиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Ёшлар кенгаши корхонада турли тадбирларни уюштиришда фаоллик кўрсатмоқда. Ёш ходимлар ўртасиди «Тадбиркорлик — давр талаби», «Мен тадбиркорман», «Ижод илҳомлари», «Энг мохир

пазанда» каби кўрик-танловлар ўтказилди. Шунингдек, завод ва «Фаргонаазот» ОАЖда ёшлар ўртасиди «Энг мохир касаначи аёл» кўрик-танлови уюштирилди.

Корхона муассислигиди «Нефтчи овози» газетасининг узлуксиз нашр этилишидиди ҳам Ёшлар кенгаши кўмагини аямаллади. Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилган тадбир муносабати билан ташкил этилган «Энг азиз, энг муқаддас» мақолалар танловиди кенгаш раиси Н.Жўраева 2-ўрин, кенгаш аъзоси Н.Нишонова 3-ўринни эгаллади.

Ёшлар кенгаши ташаббуси билан «Истиқлол тенгдошлари» клуби ташкил этилди. Унга 41 нафар истиқлол тенгдоши бириктирилди. Мустақиллигимизнинг йиғирма йиллиги муносабати билан клуб «Биз истиқлол тенгдошларимиз» кўрик-танлови ўтказди.

Айни пайтди Истиқлолимизнинг қутлуг тўйини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик қўрилмоқда.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

«Биз — бунёдкор халқимиз!»

Фототанловига

Чустлик қўли гул аёллар тиккан дўппилар тикилиш услуби, майин нақшли чоклари билан машхур.

Мухаббатхон Хайдарова Чуст дўппичилиги аънаванларини авлодларга етказиш, уни янги қирралар билан бойитишга хисса қўшаётган фаол хунармандлардан. У «Моҳларойим Гулмира» хусусий корхонасини ташкил этиб, касаначилик асосиди юзга яқин хотин-қизни каштачилик ва дўппичилик сирларини ўрганишга жалб қилган.

Суратда: «Моҳларойим Гулмира» хусусий корхонаси тикувчиси Зебо Омонова.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган сурат



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

Барча юртдошларимизни ва тиббиёт ходимларини энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг

20 йиллиги


билан чин дилдан қутлайди.

Дунё ҳамжамиятида ўзининг мустақкам ўрнига эга Ўзбекистонимиз янада гуллаб яшасин. Халқимиз тинч, осмонимиз мусоффо, дастурхонимиз доимо қут-баракали бўлсин!

Мустақиллик туфайли эришаётган ютуқларимизга кўз тегмасин! Истиқлолимиз абадий бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

ЎзФА тасарруфидagi 40 га яқин илмий-тадқиқот муассасалариде ваҳматли меҳнати билан илмнинг шонли қўнғилларини эсб этиб, истиқболи порлоқ мустақил юртимизнинг янаде гуллаб-яшнашига осмонли улуш қўшиб келсётган илм-фан фидойилари номидан бутун Ўзбекистон халқини истиқлолимизнинг 20 йиллиги билан қизини қутлайди.



Юртимизнинг ҳар бир гўшасида ҳуррият шабадаси абадий эсиб, озодлик машъаласи дилларни нурафшон этаверсин!

Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши



Жаннатмакон юртимиз аҳлини Истиқлолнинг 20 йиллиги билан самимий табриклайди. Жондан азиз Ватанимизни яшнатиш ва юксалтириш йўлидаги ишларингизда Сиз азизларга муваффақият ва зафар ҳамиша ёр бўлсин!

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши

Барча касбдошлар ва юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрагимиз – Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этади. Улуғ айём кунларида ҳаммага яхши кайфият, соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги олижаноб ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди.



Журналистика соҳасида «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» республика танлови ғолиблари



Босма ОАВ бўйича

1-ўрин: Рамиль Исламов, «Правда Востока» газетасининг бўлим мудри — Ўзбекистон Республикасининг ўтган йигирма йил мобайнида ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган улкан ўзгаришларни, кенг қамровли бунёдкорлик ишларини атрофлича ёритган публицистик мақолалари учун

2-ўрин: Ботир Темиров, «Қашқадарё» газетаси иқтисодий бўлими муҳаррири — Истиклол йилларида ижтимоий-иқтисодий йўналишда эришилган ютуқларни кенг ёритган таҳлилий материаллари учун

3-ўрин: Гулстун Аннакличева, «Қорақалпоғистон тоғи» газетаси бош муҳаррири — «Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!» ғоясини ўзида муҳасам этган Ватан туйғуси, мустақиллик ва у берган имкониятлар ҳақидаги туркум мақолалари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари 1. Муҳаббат Содиқова — Самарқанд вилояти Нарпай тумани ҳокимлиги нашри — «Пахтакор овози» газетасининг бўлим мудри 2. Светлана Шеглова — «Класс!» газетаси катта муҳбири

Телевидение бўйича

1-ўрин: Саида Давлетова, ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» бош муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси — Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб тайёрлаган ижтимоий-сиёсий мавзудаги таҳлилий лавҳалари учун

2-ўрин: Дилшод Ахмадалиев, «Мулоқот» телевидениеси муҳаррири (Фаргона вилояти) — Ўзбек халқининг мустақиллик йилларида тикланган бой маданий мероси, урф-одатлари ва қадриятларини кенг тарғиб этишга қаратилган телекўрсатувлари учун

3-ўрин: Узулхон Нугманова, Қорақалпоғистон телерадиоканалининг жамиятдаги ўрни ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркор аёллар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги кўрсатувлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари 1. Одина Каримова — «Ёшлар» телерадиоканали ЎзМТРК «Ўзбекистон» бўлимидаги тадбиркор аёллар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги кўрсатувлари учун 2. Раҳима Қаймоқова — ЎзМТРК Навоий вилояти телерадиоканали бош мутахассиси Радио бўйича

1-ўрин: Мавжуда Йўлдошева, «Ёшлар» телерадио-

канали ЎзМТРК «Давр» ахборот дастурлари муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган «Буюк марра» туркумидаги ахборот-таҳлилий публицистик радиоэшиттиришлари учун

2-ўрин: Султон Умаров, ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Янги жамият» студияси муҳаррири — Юртимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик ва баррикенгликни ёритган радиоэшиттиришлари учун

3-ўрин: Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли «Рухсор» радиоканали жамоаси (Бош муҳаррири — Дилшодбек Йўлдошев) — Халқимизнинг бой маънавий ва маданий мероси, аънава ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга бағишланган фойлиги учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари: 1. Илхом Холматов — ЎзМТРК Жиззах вилояти телерадиоканали «Жиззах» радиоканали муҳаррири 2. Ҳабибулла Юнусов — ЎзМТРК «Спорт» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири

Интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари бўйича

1-ўрин: Умиджон Ёқубов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририятининг бош муҳаррири ўринбосари — Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли илоҳотларни интернет тармоғида кенг ва изчил ёритган материаллари учун

2-ўрин: Маматкарим Абдуминов, «Маърифат чашмаси» газетаси фотомуҳбири (Сирдарё вилояти) — Истиклол йилларида турли соҳаларда эришилган ютуқларни ифодаловчи фоторепортажлари учун

3-ўрин: Муҳаммадамин Сатторов, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Наманган вилояти бўлими дизайнери — Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни тасвирлаган ва Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган ижодий ишлари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари 1. Азаматжон Тошматов — «Андижоннома» ва «Андижонская правда» газеталари фотомуҳбири 2. Жаҳонгир Шарофбоев — «Ишонч» газетаси масъул котиби

Кўрик-танлов

Ногирон бўлишига қарамай, табиат қучоғида гўзалликни ҳис этиб, ҳаёлотдаги орзуларини қоғозга тушираётган болаларни ҳеч қувватсиз. Улар кўзидаги қувонч, яшашга бўлган иштиёқ кишини қувонтиради.



«Мафтункор ранглар олами»

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Бадий академия, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Sen Yo'lg'iz Emassan», «Соғлом ав-

лод учун» жамғармалари, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Касаба

даги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқичлари ғолиблари қатнашди.

Беллашувда иштирокчиларнинг маҳорат билан расм чиши, ранглар танлашига эътибор қаратилди. Айниқса, она юртимиз ва табиатимиз манзаралари, қадриятларимиз ўз ифодасини топган расмлари кўпчилида ёрқин таассурот қолдирди.

Кўрик-танлов доирасида болалар учун Тошкент шаҳрининг эътиборга молик жойларига саёҳатлар уюштирилди, танлики санъаткорлар, болалар мусиқий жамоалари иштирокида катта концерт, бадий кўргазма ташкил этилди. Танлов ғолибларига ташкилотчилар томонидан диплом ва совғалар топширилди.

Шабнам ШОЕВА, Аскар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар



Кутлов!

Истиклолимизнинг қутлуг тўйи арафасида таҳририятимизда қувончли хабар тарқалди. Газетамизнинг масъул котиби Жаҳонгир Шарофбоев Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан ўтказилган журналистика соҳасидаги «Энг улуг, энг азиз» Республика танловида рағбатлантирувчи мукофот соҳиб бўлди.

Дарҳақиқат, Ж.Шарофбоев жамоамизнинг жонқуяр ва фидойи ходими ҳисобланади. Газетамиз саҳифаларида ўзининг долзарб ижтимоий-иқтисодий, маърифий мавзудаги мақолалари билан муштарийлар эътирофи сазовор бўлди. Айниқса, глобал муаммага айланган «оммавий маданият» дея аталаётган иллатларни фоз этивчи материаллари нашримиз мазмунини бойитди. Изланувчан ва қалами ўткир ҳамкасбимизни мукофот билан самимий қутлаган ҳолда бундан кейинги ижодий фаолиятида ҳам янада улкан ютуқларга эришишини тилаймиз.

Матбуот анжумани

Жорий йилнинг 20-27 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган муайтай бўйича жаҳон чемпионати муносабати билан «Radisson» меҳмонхонасида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси раҳбарлари, мураббийлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тайёргарлик авжида

Ўтган йили Таиландда муайтай бўйича ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз ўн битта медални қўлга киритган эди. Бу ўзига хос эътироф бўлиб, Халқаро ҳаваскор муайтай ассоциациясининг (IFMA) Бош ассамблеяси 2011 йилги жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилганди. Мамлакатимиз муайтай бўйича нуфузли мусобақаларни ташкил этишда катта тажрибага эга. Ўтган йили Осиё чемпионати юқори савияда ташкил этилди. Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яққақурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази сингари ташкилотлар билан ҳамкорликда бу йилги жаҳон чемпионатини ҳам юқори савияда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда.

— Бу йилги чемпионатда дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатидан минг нафарга яқин спортчи иштирок этиши кутилмоқда, — деди Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси раиси Шерзод Тошматов. — Мусобақани юқори савияда ўтказиш учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилаёلمиз. Бундан ташқари, чет эллик меҳмон ва спортчиларни ўзига хос маданиятимиз билан яқиндан таништириш мақсадида «Шарқ бозори» ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу чемпионат маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади, деган умиддамиз.

— Ийгиликлар уч босқичли дастур асосида Фаргона вилоятида ўқув-машғулот йиғинларида қатнашмоқда, — деди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Раҳматжон Рўзиохонов. — Тайёргарликнинг биринчи босқичида жисмоний ва руҳий машғулотлар устуворлик қилган бўлса, иккинчи ва учинчи босқичларда республика миқёсидаги мусобақалар синов вазифасини ўтади. Энг кучли спортчилар ҳорижда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этмоқда. Ўз уйимизда муҳлисларимизни хурсанд қилиш ва соғиринли ўринларини қўлга киритиш — асосий мақсадимиздир.

Матбуот анжуманида ОАВ ходимларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Адхам АРСЛОНОВ, «Ишонч» муҳбири

Намуна

«Усто-шогирд» анъанаси амалда

Битирувчи эмас, мутахассис. Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларни олдиға худди ана шундай талаб қўйилган бўлиб, бу нафақат ўқувчи ёшлардан, балки уларға таълим бераётган устозлардан, қатор жамоат ташкилотларидан масалаға масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши ушбу талаблар доирасида тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастур баландларва ва-зифалардан анча йироқ бўлиб, реал масалаларни ҳал қилишни кўзлайди. Эндидилқда вилоятдаги барча касб-хунар коллежларида «Усто-шогирд» анъаналари кенг йўлга қўйилган. Бу борадаги ютуқ ва камчиликлар кенгаш томонидан мунтазам равишда таҳлил қилиниб, ютуқларни оммалаштириш,

камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш чоралари кўрилоқда. Кенгаш томонидан ёз мавсумида жорий қилинган янгилик эса барчага бирдек маъул бўлди. Хонка туманидаги «Агромашсервис» масъулияти чекланган жамият қошида касб-хунар коллежлари талабалари учун «Меҳнат — роҳат» оромгоҳи ташкил қилинди. Ушбу оромгоҳда ўқувчи ёшлар 12 кун давомида ҳам хордиқ чиқаришди, ҳам янги хунар ўрганиш имконига эга бўлишди. — Тикувчиликка болалигимдан

қизиқардим. Аммо бу хунар билан жиддий шугулланган эмасман, — дейди оромгоҳда биринчилардан бўлиб дам олиш бахтига мушарраф бўлган Хонка педагогика ва спорт коллежи талабаси Назира Отахонова. — Оромгоҳда илк марта ўз қўлларим билан ёстиқ ва ёстиқжилд тикдим. Қиз боланинг ташкил қилиниди. Ушбу оромгоҳда ўқувчи ёшлар хунар бўлиши керак дейишади. Энди изланишда давом этаман. Иқтисодиёт коллежи талабаси Ойбек Ибодуллаев оромгоҳ-

даги ҳар бир кун қизиқарли кечганлигини мамнуният билан таъқидлади.

Оромгоҳда ўқувчилар тикувчилик, трактор тузатиш каби бешта хунарни ўрганиш баробарида ўз вақтларини турли адабиётларга бой кутубхонада, мусика тўғрагида марокли ўтказдилар.

Вилоят касба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Раҳимберган Матрасулов, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимовалар оромгоҳда бўлиб, яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Ўқувчи ёшларға бундай шароитлар яратиб берган «Агромашсервис» МЧЖ маъмурияти, оромгоҳ ходимлари ҳамда қобилиятли ўқувчилар касба уюшмаларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Ушбу тажрибамиз муваффақиятли чиққанидан ўзимиз ҳам мамнунизм, — дейди Муяссар Раҳимов. — Кейинги йили бундай оромгоҳлар ва уларға жалб қилинадиган ўқувчилар сонини янада ошириш чораларини кўрамиз. Албатта, улар ўрганадиган хунарлар ҳам янада ранг-баранг бўлади.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА, «Ишонч» муҳбири

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' (Beneficial to humans) featuring 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi', 'Bo'sh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov', 'Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV', 'Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot 256-03-90, Ijtimoiy-iqtisodiy ismosiat 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43, Reklam va e'lonlar 256-87-73', 'Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +99897 465 05 68; Buxoro +99893 653 50 81; Jizzax +99872 360 00 10; Navoiy +99893 725 46 40; Namangan +99897 491 79 27; Samarqand +99866 708 70 12; Surxondaryo +99897 458 05 07; Farg'ona +99890 232 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75; Qashqadaryo +99897 414 30 78', 'Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: ishonch2011@gmail.com', 'Nashr ko'rsatkichi: 133', 'Navbatchi muharrir: A. Toshev', 'Navbatchi: A. Arslonov', 'Musahhih: S. Shodiyeva', 'Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridil va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullalilov', '«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasiда chop etildi. Korxonа manzili: «Buyuk Turok» ko'chasi, 41-uy.', 'Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.', '«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikr tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.', 'Tijorat materiallari', '2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.', 'Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.', 'Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 22.50', 'Buyurtma G — 811', '13617 nusxada bosildi', '1 2 4 5'